

## КЎНГИЛЛИ ҚУТҚАРУВ ВА ЁНҒИН-ҚУТҚАРУВ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

**Юлдашев Феруз Кахрамонович**

Наманган вилояти ФВБ ҲФХ ўқув маркази бошлиғи, катта лейтенант

**Алимов Шавкатбек Азимович**

Наманган вилояти ФВБ ҲФХ ўқув маркази ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6587869>

**Аннотация:** Илмий мақолада фуқаро муҳофазаси ҳамда аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимида шаклланган меъёрий-ҳуқуқий базасини хусусан, кўнгилли қутқарув ҳамда ёнғин-қутқарув тузилмаларининг ташкил этишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари баён этилган. Соҳада мавжуд бир қатор муаммоли масалалар ўрганиб чиқилиб, кўнгилли қутқарув ҳамда ёнғин-қутқарув тузилмаларини ташкил этиш тизимини ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Фуқаро муҳофазаси, табиий, техноген, фавқулодда вазиятлар, тизим, меъёрий-ҳуқуқий, кўнгилли қутқарувчилар, кўнгилли ўт ўчирувчи тузилмалар, қонун, қарор, фармон.

## НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ДОБРОВОЛЬНЫХ АВАРИЙНО-СПАСАТЕЛЬНЫХ И ПОЖАРНО-СПАСАТЕЛЬНЫХ ФОРМИРОВАНИЙ

**Аннотация:** В научной статье описаны правовые основы организации Гражданской обороны и системы защиты населения и территорий от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера, в частности, добровольных аварийно-спасательных и пожарно-спасательных формирований. Изучен ряд проблемных вопросов в данной области и даны рекомендации по разработке системы организации добровольных аварийно-спасательных и пожарно-спасательных структур.

**Ключевые слова:** Гражданская защита, природная, техногенная, чрезвычайная ситуация, система, нормативно-правовая, добровольные спасатели, добровольные пожарные формирования, закон, постановление.

## LEGAL NORMATIVE BASES OF ORGANIZATION OF VOLUNTARY RESCUE AND FIRE-RESCUE STRUCTURES

**Abstract:** The scientific article describes the legal framework for the organization of Civil Defense and the system for protecting the population and territories from natural and man-made emergencies, in particular, voluntary rescue and fire and rescue units. A number of problematic issues in this area are studied and recommendations are given for the development of a system for organizing voluntary emergency rescue and fire and rescue structures.

**Key words:** Civil protection, natural, technogenic, emergency, system, regulatory, voluntary rescuers, voluntary fire units, law, resolution.

### Кириш

Давлат мустақиллигига эришганимиздан сўнг то ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз аҳолисини ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кўлами ва мазмунига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди. Фавқулодда

вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганида ҳаракат қилиш бўйича яхлит давлат тизими ва унинг мувофиқлаштирувчи органи ташкил этилди [1].

Фавкулудда вазиятлар профилактикаси, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича имкониятлар мустаҳкамланди ҳамда соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантирилди [2].

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир [4].

#### **Тадқиқот материаллари ва методологияси**

*Соҳанинг меъёрий - ҳуқуқий базасини шаклланиши мамлакатимизнинг барча вилоятларида хусусан, Наманган вилоятида кўнгилли қутқарув ва ёнгин ўчириш тузилмаларини ташкил этилишига ва уларнинг ривожланишига тўртки бўлди [3].*

Хусусан, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ҳамда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2014 йилнинг 9 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори 184-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор билан қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган ҳамда Қутқарувчиларнинг иш вақти, хизматни ўташ режими ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қоидалари белгиланган [4].

Ушбу Низомда қутқарув хизматларини, профессионал, штатдан ташқари ва жамоат қутқарув тузилмаларини ҳамда қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартибини белгиланган [2].

#### **Тадқиқот натижалари**

Шунингдек, 2017 йилнинг 21 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга, тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 650-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорда МФЙда “Маҳалла фуқаролар муҳофазаси” фаолиятини ташкиллаштириш, йиғма гуруҳларини қутқарув анжомлари билан таъминлаш масалалари акс этган.

Наманган вилоятида “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” тизимини фавкулудда вазиятларга тайёрлаш, “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” кучларини фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича кўникмаларини ошириш, уларни керакли миқдорда асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилган [3].

Жумладан, Наманган вилояти ҳудудида 770 та МФЙ мавжуд бўлиб, уларнинг 705 тасида “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” тузилмалари ташкил этилган. Ушбу тузилмаларга 5020 та фуқаро кўнгилли қутқарувчи сифатида қабул қилинган. Шунингдек, 2018 йилда Наманган вилоятининг 12 та МФЙнинг хар бирига 20 турдаги асбоб-анжомларини сотиб

олиш учун жами 33 миллион сўмдан зиёд маблағ вилоят бюджети ҳисобидан ажратилган [5].

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракатлари” мавзусида кўргазмали ўқув машғулотлари ўтказилган. Ўтказилган ўқув машғулотларига минглаб кўнгили қутқарувчилар жалб этилди ҳамда аҳолиларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларда тўғри ҳаркаталаниш бўйича, турли мавзудаги кўплаб эслатламалар тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва улар тузадиган ташкилотларни белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни ҳамда тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш меъёрини тасдиқлаш ҳақида”ги 369-сонли қарорига асосан Наманган вилояти ҳудудида жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида фуқаро муҳофазаси тузилмалари ташкил этилган [6].

Фуқароларни, ходимлар ҳамда ишчи ва хизматчиларни ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларига кенг жалб этиш, ёшларни ёнғин хавфсизлиги чораларини қўллашга ва ёнғин пайтида тўғри ҳаракат қилишга ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек идоровий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари тўғрисидаги маълумотларнинг зарур тарзда ҳисобга олиниши ва тизимлаштирилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 март куни “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 89-сонли Қарори қабул қилинган [7, 9].

Мазкур Қарор билан “Ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида”ги, “Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида”ги, “Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомлар қаторида “Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланган [8, 9].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш тизимининг зарур меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланганлигига қарамадан соҳада ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

### **Муҳокама**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5066-сон Фармонида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш комиссияларининг асосий вазифалари қаторида қишлоқ жойларда ва чекка аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғин бўлинмалари ташкил этилишига, шунингдек уларни моддий ва ижтимоий рағбатлантиришга кўмаклашиш вазифалари ҳам белгиланган. Мазкур жумладаги “Кўнгилли ёнғин бўлинмалари” ўрнига “Кўнгилли ёнғин-қутқарув бўлинмалари” сўзларига алмаштириш лозим [10].

### Хулоса

Мамлакатимизда аҳолини ҳамда ҳудудларни содир бўлиши эҳтимоли бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан самарали муҳофаза қилиш, инсонларнинг тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳамда кўнгилли кутқарув ва ёнғин-қутқарув тузилмаларининг ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда мавжуд қонунчилик базасини давр талабларига мос равишда ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ҳамда кўнгилли кутқарув ва ёнғин-қутқарув тузилмаларининг фаолиятини тартибга солувчи қондаларни тизимлаштириш ва мувофиқлаштириш лозим.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 04.03.1996 йилдаги ПФ-1378-сон;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори, 11.04.1996 йилдаги 143-сон;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 20.08.1999 йилдаги 824-I-сон;
4. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни, 26.05.2000 йилдаги 80-II-сон;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4276-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори, 09.07.2014 йилдаги 184-сон;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга, тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 2017 йилнинг 21.08.2017 йилдаги 650-сон;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва улар тузадиган ташкилотларни белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни ҳамда тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш (табеллаштириш) меъёрини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, 9.06.2017 йилдаги 369-сон;
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори, 28.03.2013 йилдаги 89-сон;
10. Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.